





Аммор розияллоху анхунинг ота-онаси мана шу азоблар остида вафот қилишди. Оналари Ислондаги биринчи шаҳид мақомига мушарраф бўлдилар.

Аммор ибн Ёсир бу азоблардан тилларига куфр калимасини олганларида мусулмонлар «Аммор куфр сўзини айтди» деган хабар тарқатишади.

Шунда Пайғамбар алайҳиссалом:

«Аммор бошидан оёғигача иймон билан тўлдирилгандир», деб марҳамат қиладилар. Кейин мусулмонларнинг бу сўзларини рад қилган ҳолда Қуръондаги Наҳл сурасининг 106-ояти нозил бўлади.

Аммор ибн Ёсир мусулмонлар билан ҳижрат қилиб, Бадр, Уҳуд, Хандақ ва бошқа ҳамма жангларда аввалги сафда туриб, иштирок этдилар. У киши Ислондаги биринчи масжид бўлмиш Кубо масжидининг қурилишида ҳам иштирок этган соҳибийлардан бири эдилар.

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам:

«Кимки Амморга тажовуз қилса, Аллоҳ унга тажовуз қилади. Кимки Амморга ғазаб қилса, Аллоҳ унга ғазаб қилади», деб айтганлар.

Аммор ҳаммаси бўлиб 62та ҳадис ривоят қилдилар. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам: «Амморни туғёнга тушган бир фирқа ўлдиради», деб башорат қилган эдилар. Дарҳақиқат, бу зот Сиффийн урушида Али розияллоҳу анҳу билан қатнашиб, шу жангда шаҳид бўлдилар.

Ушбу ҳадиси шарифдан намоз билан намознинг фарқи борлиги, ҳатто қабул бўлган намозлар орасида ҳам фарқ бўлиши кўриниб турибди. Ҳамма ҳам намоз ўқийверади, аммо ўша намозга Аллоҳ таоло томонидан бериладиган ажр намозхоннинг ихлоси, хушуъ ва хузуъсига қараб берилар экан. Хушуъ ва хузуъни, ихлосни жойига қўйган одам намоз учун белгиланган савобнинг ҳаммасини олар экан. Улар камайган сари бериладиган савоб ҳам камайиб, ярим, учдан бир, тўртдан бир, ўндан бир бўлиб қолаверар экан.

Шунинг учун намозни қўлимиздан келганича тўлиқ қилиб, ихлос билан, хушуъ ва хузуъсини жойига қўйиб ўқишга ҳаракат этишимиз керак бўлади.

**«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 5-жузи**

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 23 январдаги 03-07/362-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.